

Хар қаён боқсам, юзимга ул қуёшдин нур эрур,
Хар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур.



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 6 март №47 (3321)

Шанба

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Гўзал ва бетакрор юртимизга баҳор нафаси кириб келаётган мана шу кунларда, табиат уйғониб, чирой очаетган шукӯҳли лаҳзаларда сиз, азизларим, муҳтарам она-сингилларимиз, мунис оналаримиз, лобар қизларимизни 8 март — Хотин-қизлар байрами билан чин қалбидан табриклашдан бахтиёрман.

Ҳаётимиз файзи ва кўрки бўлган сиздай мўтабар аёл зоти ҳақида сўз юртиш, кутлуғ айёмингиз билан мувораққод этиш — ҳам осон, ҳам мушкул бир вазифа.

Осонлиги шундаки, сизларнинг ҳақингизда қандай таъриф ва мадҳиялар айтмайлик, уларнинг барчаси сизларга бениҳоя ярашади.

Аммо, сизларнинг шаънингизга кутлов битиб, эътиборингизни тортиш сиз аёл зотига мансуб эзгулик ва нафосат, вафо ва садоқат каби фазилатларни юксак маҳорат билан тараннум эта оладиган сўз устаси бўлишни талаб этади.

Шу боис биз — эркаклар яхши тушунамизки, бугун сизларга бағишлаб ҳар қанча чиройли сўзларни айтмайлик, барибир аёл васфининг буюк куйчи бўлиши ҳазрати Алишер Навоидан ўтказиб, ул зотининг:

Хар қаён боқсам, юзимга ул қуёшдин нур эрур,

Хар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур, — деган сатрларидек ёрқин ва таъсирли қилиб айта олмаимиз.

Ҳеч шубҳасиз, мана шу байрам кунларида аёлларни табриклаш, уларнинг кўнглини шод этишни орзу қилган юртимизнинг ҳар бир ўғлини ўзининг шоир бўлмаганига беихтиёр афсус чекади.

Ва мана шундай мунаввар дамларда ҳаммамизнинг хаёлимиздан бир фикр ўтади: агарки, бугун кўнглик дунё мамлакатлари нишонлаётган 8 март санаси бўлмаганида ҳам, ҳаёт устуни ва инсон гўзаллиги, меҳрибонлик ва садоқат намунаси бўлмиш сиз, азизларимиз, улуғларимиз, сизларга муносиб эҳтиром кўрсатиш учун бундай ажойиб байрамни ўйлаб топши ва ўтказиш зарур бўлар эди.

Азиз она-сингилларим!

Одамзот ақлини танигандан бошлаб то умрининг охиригача унга ҳаёт берган, оқ ююб, оқ тараган муқаддас зот — Она олдига ўзини доимо қардор деб ҳис қилади.

Эркакни эркак, оилани оила қиладиган, умуман ҳаётимизга маъно-маъна қўшиладиган, бизни одамийлик, мардлик ва олижанобликка, ҳақиқий инсон бўлишга чорлайдиган аёлининг меҳр-муҳаббати ва заҳматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ҳозирги мураккаб даврнинг қайси томонини олайлик, асрлар таърибасидан ўтган бу ҳақиқатни барчамиз ҳаминча ҳис этиб яшаймиз.

Шу сабабли ҳаётингиз ташвишини ҳам, қувончини ҳам биринчи галда сезадиган, таъбир жоис бўлса, жамиятимизнинг ҳарорат даражасини аниқ акс эттирадиган — бу аёл зоти, деб айтсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Биз юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида жаҳон ҳамжамия-

ти билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб, шу мақсадда қанча-қанча муаммоларни ечиб, оғир синовлардан ўтиб келаётган эканмиз, қайси жабҳада бўлмасин — бу дала шилари ёки фермерлик бўладими, ишлаб чиқариш ёки фан, таълим ва маданият соҳаси бўладими — уларнинг барчасида хотин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссасини кўришимиз мумкин.

Бугун халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан кўлга киритаётган ютуқларимиз, фидокорона меҳнат билан топаётган бойлик ва даромадимизни одамларимиз, аввало, сиз, ҳурматли она-сингилларимизнинг ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш, оғирини енгил қилишдек муҳим мақсадларга жалб этаётганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, кейинги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила ва маҳалла тизimini мустаҳкамлаш каби биз учун устувор бўлган вазифаларни амалга оширишда, жумладан, бу йили Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилганимиз замирида ана шундай мақсадларга қаратилган давлат сиёсати мужассам эканини ҳам сизлар яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Айни вақтда нафақат оилада, балки маҳалла-кўй, бутун жамиятда меҳроқибат, салимият ва саховат муҳитини асраб-авайлаб, мустаҳкамлашга интилиб яшаётган сиз, азиз аёлларимизни чинакам меҳр-мурувват тимсоли деб атасак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз бундан кейин ҳам ўз олдимизга узоқ ва давомли мақсадларни кўяр эканмиз, аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, эскидан қолган қарашлардан воз кечиш, уларни том маънода ҳаётини бошқаришда ҳал қилувчи ўринлар ва вазифаларга кўтариш, улараи шонч билдирши масаласи бугунги кунда ҳам ҳали-бери ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Шу боис мен барча юртдошларимизга қарата, аёлларни фақат мана шундай байрам арафаси ва байрам кунларида эмас, балки кундалик ҳаётимизда қаролиш ва улуғлаш доимий бурчимизга айлانسин, деб даъват этмоқчиман.

Азизларим, меҳрибонларим!
Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сиз, қадрли она-сингилларимизга, тарихимизнинг ҳозирги мураккаб ва масъулиятли даврида мана шу мувораққод заминни обод қилиш, бунёдкорлик ишларимиз ва эзу мақсадларимизни рўйбега чиқариш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлида кўрсатаётган фидойилигингиз учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларни баҳор даракчиси бўлмиш гўзал байрамнингиз билан яна бир бор қутлайман.

Ҳамиша толеингиз банд, умрингиз узоқ, ризқ-насибанигиз зиёда бўлсин!
Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг!

Испом **КАРИМОВ**,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



МЕҲР ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Аёл азалдан меҳр-шафқат ва садоқат тимсоли бўлиб келган.

Аёл деганда кўз ўнгимизда, аввало, улуг ва табаррук она сиймоси гавдаланади. Инсон зоти борки, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сиру асорлари ва сабоқларини онанинг меҳру саховати туйғули ўрганади. Аёл борки, олам мунаввар, аёл борки, ҳаёт гўзал ва тафтунок.

5 март куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 8 март - Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар хокими

Р.Шоабдурахмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг мамлакатимиз хотин-қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўрин-қизлари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова хотин-қизларимиз тинчлик ва осейшталлик, аҳиллик ва биродарлик, меҳроқибат ҳукм суратган мамлакатимизни янада раванак топтираш йўлида, жамиятимизнинг барча соҳала-

рида, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва маданият тармоқларида жонбозлик кўрсатаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар халқимиз, аввало, она-сингилларимиз, мунис онахонларимиз турмуши фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилгандир. Оналик ва болаликни ҳимоялаш, баркамол авлодни воёга етказиш, оила ва маҳалладаги аҳиллик, ҳамжихатлиқни мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон

қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Зулфия номидagi Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ мазкур мукофотга сазовор бўлган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрликлари ва нишонлари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, юртимизда ҳаётимизнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг фоллигини ошириш, ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, камол топтираш ва истеъдодини намоён этиш учун барча шароитларни яратиб

бериш борасида гамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
СУРАТДА: Зулфияxonим шогирдлари.
Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Абдулла ОРИПОВ,

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

Келинойи

Бошлиқ ишга келар тонгда тунд ва жим,
Бўйинбоғи қийишқ, шими ҳам гижим.

У ёқдан бу ёққа тинмай одимлар,
Бу ҳолдан таъвишга тушар ходимлар.

Дейишар, ишлар-ку жадал, жойида,
Демак, ҳамма сабаб келинойида.

Бошлиқ ишга келар эртаси, бироқ,
Унинг кўриниши бошқадир мутлоқ.

Бўйинбоғ ҳам силлиқ, шими ҳам силлиқ,
Муомала эса илқдан илқ.

Учраган ҳар кимга табассум қилар,
Барчага, барчага омадлар тилар.

Энди бошлиқ эмас, балки ходимлар
Бир-бирин қутлашиб, тинмай одимлар.

Дейишар, бор бўлсин хизмат жойимиз,
Бор бўлсин меҳрибон келинойимиз!

Бобур севган анорлар

ҲАДЕМАЙ МОЗОРИ ШАРИФДА ШОИРНИНГ ЎЗИ
ЯРАТГАН БОҒДА МЕВА БЕРА БОШЛАЙДИ

Куни кеча Афғонистонга Ўзбекистонда етиштирилган 11 минг туп анор ва чинор кўчатлари жўнатилди. Бу кўчатлар Мозори Шарифдаги Бобур боғига экилади.

Ватан ҳақида қўйиқ

Кашқадарё вилояти мусикали драма театрида «Қадриятларинг қалбимда жо, она-юртим!» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.

Қадриятлар нималарда намоён бўлади? Урф-одатлар, анъаналарда ва албатта, қўйиқ ва рақсларда ўз ифодасини топади. Вилоят маданият ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданият маркази кўрик-танловни ўтказишда ва уни баҳолашда шу жиҳатларга алоҳида эътибор бердилар. Қадимий, миллий ва асл ўзбекона уйинлар, қўйиқ ва лапарлар бугунги кун учун ҳам қадрли ва эъзозли эканлиги таъкидланди.

Шу мезонлардан келиб чиқиб Чирокчи тумани маданият бўлимига қарашли «Чирокчи чироклари» жамоасига энг юкори ўрин лойиқ кўрилди.

Н. РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жойлардан хабарлар

Чигит экиш бошланди

Шўрчи туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги деҳқонлари март ойининг биринчи хафтасидаги тўртта чигит экиш севласини далага олиб чиқиб, плёнка остида уруғ қадашни бошлаб юборишди. Дала ишларини механизаторлар Мамат Тўрақулов, Нурилла Газнаев, Файзулла

Меликулов, Мамаюсуф Қаршиевлар бажаришар.

— 801 гектар ернинг тенг ярмига чигитни плёнка остига экамиз, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Аликул Муродов.

Сурхондарёликлар бу йил 120 минг гектар майдонга чигит экидилар. Ёр,



техника ва бошқа воситалар мавсумга тайёрлаб қўйилган. Воҳанинг бошқа туманларида ҳам чигитни плёнка остига экишга киришилмоқда.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Реклама — ҳаётини зарурат

Кеча республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Реклама бўйича идоралараро кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Реклама бўйича идоралараро кенгаш раиси Ж. Сайфиддинов олиб борди. Йиғилишда ушбу кенгаш аъзолари ва унинг таркибига кирувчи вазирлик, уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Кейинги йилларда ушбу

соҳада муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, кўчалардаги маҳаллий маҳсулотларни тартиб қилувчи рекламаларнинг кўриниши дизайни ва мазмунини тобора халқимизнинг руҳини акс эттираётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Аммо айрим компания, уюшма ва вазирликлар бу борадаги ўз вазифаларини суст бажармоқдалар. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Сур-

хондарё вилоятларида ҳам реклама ишлари шу куннинг талаби даражасида эмас. Ривожланган давлатларда ва бозор иқтисодиётига энди кириб келаётган мамлакатларда корхоналар ўз фойдасининг 40 фоизини рекламага сарфлаётганини назарда тутсак, ҳали республикамизда бу соҳада кўп иш амалга ошириш зарурлиги аён бўлади.

Ўз мухбиримиз.

Пойтахтимизда

Ўзбекистонда сакура гуллади

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назоқат УСМОНОВА). Кўнчиқар юрда сакура — япон олчаси эзгулик ва поклик, баркамоллик рамзи ҳисобланади. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик, биродарликнинг узоқ йиллар бардовом бўлишига ишора тарзида Тошкент шаҳри ва айрим вилоятлардаги хиёбон ҳамда истироҳат боғларида ана шу файзли дарак кўчатлари экилган. Баҳорнинг илқ кунларида улар қийғос гуллади.

Бу йил ҳам олис Япониядан қарийб тўрт юз тупга яқин сакура кўчати келтирилди. Айни кунларда улар пойтахтимизнинг энг сўлим гушаларига экилмоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек туманидаги Марказий боғда ана шундай кўчатларни ўтказиш маросими бўлиб ўтди. Унда Япониянинг юртимиздаги элчихонаси вакиллари, нуруний отахонлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда эрта баҳор, Наврўз арафасида кўчат экиш, кўча-кўйини ободонлаштириш, ҳашар ўтказишда қайли юмушлар азалли анъана эканини таъкидлади. Барпо этилаётган сакура боғлари эса бу эзгу анъанани янада бойитида, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик тимсолига айланади.

— Сакура бизнинг юртимизда муқаддас дарак саналади, — деди.

Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси масъул ходими Хироси Такаҳаси. — Унинг гулга киришини японлар интизорлик билан кутади. Сизнинг Наврўз байрамингизга ҳамоҳанг сакранинг гул очиши ҳам Японияда халқ сайллари билан нишонланади.

Шу кун Иккинчи жаҳон уруши даврида мамлакатимизда мангу осейиш топган япон фуқаролари қабристонига ҳам сакура кўчатлари экилди.

ЧЕЛОВЕК, ОПРЕДЕЛИВШИЙ ЭПОХУ

Ҳамма замонда ҳам мустақил давлат барпо этиш ана шу ўта мураккаб ва масъулиятли жараёни бошқарган, ўз халқини даврнинг оғир синовларидан омон-эсон олиб ўтишга муваффақ бўлган йўлбошчи фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. XIV асрдаги миллий юксалишни Амир Темурнинг тасаввур қилиш мумкинми? Бошқача айтганда, айнан Соҳибқирон ҳазратларининг даҳоси, ўз ҳаёти, борлигини элу юрт саодатига бағишлагани

ни халқимиз тақдирини тубдан ўзгартириб юборган. Узоқ йиллар бошқаларга қарам ҳолда яшаган халқ ўта қисқа вақт ичида юксак тараққиётга эришди, ўз салоҳияти ва кудрати билан оламни ҳайратга солди. Бир йўлбошчи шахсининг ўз эли ва юрти тақдирини туб бурилиш ясагани каби мисоллар бошқа халқлар тарихида ҳам учрайди ва бундай буюк давлат арбоблари фаолиятини ёритишга бағишланган кўплаб асарлар ёзилган.

тарзда кўрсатган. Китопада Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишни ўзига хос тадрижий йўли, кечаётган жараёнлар, қўлга киритилган ютуқлар иштиробдаги режалар ва улар ижросидан қутилаётган самаралар алоҳида мавзу йўналишини ташкил этган. Бу бежиз эмас. Муаллифларнинг ихтисосий малакаси шуни тақозо этади.

«ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ИНСОН»

Мустиқил давлатимиз асосини, Ўзбекистоннинг биринчи Президентини Ислоом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳорижда Леонид Левитин, Дональд С. Карлайл каби йирик сиёсатшуносларнинг китоблари чоп этилган. Бу табиий ҳол. Мустиқил бўлган миллатнинг кейин ҳорининг юртимизда қизқиши янада орди. Бундай наشرлар мамлакатимиз ҳақидаги тушунчаларини бойитиши ва янгилайди.

Яқинда «Труд» газетаси кутубхонаси» туркумида шу умуммиллий газетанинг «Китоблар уйи» томонидан юртдошларимиз академик Мурод Шарифхўжаев ва юридик фанлар доктори Фахри Раҳимовнинг «Даврни белгилаб берган Инсон» («Человек, определивший эпоху») китоби кўп нусхада чоп этилди. Унда муаллифларнинг кейинги йилларида «Труд» газетасида эълон қилинган туркум мақолалари ўрин олган. Мақолалар яхлит ҳолда Ўзбекистонда янги мустиқил давлатчиликнинг барпо этилиши, халқимиз бошдан кечирган улкан тарихий жараёнлар, амалга оширилган кенг қўлмили ишловлар туб моҳияти ва улардан қўзғалган улғувор мақсадлар ҳақида ҳикоя қилади. Китобнинг ўзига хос фазилати шундан иборатки, ундаги туркум мақолалар бир-бири билан мантаник боғланиб, мустиқиллик йилларида юртимизда амалга оширилган тарихий ўзгаришларнинг иқтисодий-иқтисомий манзарасини тасаввур қилиши

имконини беради. Ҳар бир боб ёки мақоладан муайян илмий-тарихий ҳулоса сифатида талқин қилиш мумкин. Бу умумлашмалар Президент Ислоом Каримов томонидан илгари сурилган ва ҳаётга татбиқ этилган гоғлар йиғиндисини, тахлиладан келиб чиққан. Шу маънода китобни мустиқил Ўзбекистон ҳаётининг илмий-публицистик қиёфасига чизгилар, деб айтса бўлади.

«Янгидан тикланган мамлакат» деган муқаддимда Ўзбекистоннинг Президент Ислоом Каримов етакчилигида босиб ўтган тарихий тараққиёт йўли, ўзига хос ва мос стратегик концепцияси, бозор иқтисодиёти қонунларининг миллий ҳусусиятлари, иқтисомий давлатчиликнинг амалий фаолияти ва ютуқлари ҳақида сўз боради. Шу тариқа «Ўзбек модели»нинг дунё тан олган таъминлари, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати ҳамда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг мақсад-вазифалари ва йўналишлари илмий таҳлил этилган.

Эътироф

ча, ана шу тарихий ҳақиқатни асослаш ва ифода этишга қаратилган. «Даврни белгилаб берган Инсон» бўлими ва унинг мантаник давоми бўлган «Буюк умидлар фидоси», «Хаммага аён позиция» каби мақолалар мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон янги сиёсий тарихидаги ўрни ва мавқеига бағишланган. Мухими, уларда Президентимиз ҳам теран назаритчи, ҳам прагматик амалиётчи сифатида яққол гавдаланади.

Голландиянинг Гаага шаҳрида очилган ўзбек фотоусталари кўргазмаси шаҳар маданий ҳаётида ёрқин, ўчмас воқеа бўлди. Бу кўргазма жамиятимизнинг асосий бўғиларидан бири — маҳалла анъана ва удумларига бағишланган.

«Янгидан тикланган мамлакат» деган муқаддимда Ўзбекистоннинг Президент Ислоом Каримов етакчилигида босиб ўтган тарихий тараққиёт йўли, ўзига хос ва мос стратегик концепцияси, бозор иқтисодиёти қонунларининг миллий ҳусусиятлари, иқтисомий давлатчиликнинг амалий фаолияти ва ютуқлари ҳақида сўз боради. Шу тариқа «Ўзбек модели»нинг дунё тан олган таъминлари, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати ҳамда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг мақсад-вазифалари ва йўналишлари илмий таҳлил этилган.

«Асарлар тенг йиллар», «Бозор сари йўл», «Хукукий давлат», «Иқтисомий давлат», «Фуқаролик жамияти», «Терроризмга қарши кураш» каби мақолаларда юртимизда олиб борилаётган ишловлар мамлакат раҳбари фаолиятининг туб моҳиятини ташкил этиши ёритилган. «Хукукий давлат» мавзусидаги олти, «Фуқаролик жамияти» мавзусидаги икки мақола асосини Конституцияимизнинг яратилиш тарихи ва унинг инсон-

Турсун Али, Абдувоҳид Тўраев, Абдуғани Жумоев каби таниқли фотоусталарнинг 60 дан ортиқ суратларидан иборат кўргазма шаҳар муниципалитети биносида уюштирилди. Уни Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент фотография уйи ва мамлакатимизнинг Белгиядаги элчихонаси ташкил этди.

Утган йили фотокўргазма Брюсселда НАТО қароргоҳида ва Европа Парламентинида, Белгиянинг Антверпен ва Кортрейк шаҳарларида муваффақиятли намойиш этилган эди.

Таъкидлаш жоизки, Гаага — Голландиянинг йирик маданий ва сановат марказигина эмас, бу ерда кўплаб нуфузли ташкилотлар — Халқаро суд, Интерпол ва бошқа халқаро ташкилотларнинг қароргоҳлари жойлашган. Шу боис кўргазма ташкилотчилари Европанинг қок марказида Ўзбекистонимизни муносиб кўрсатиш учун боб кучларини аяшмади.

Рустам ШАГАЕВ, Ўза махсус мухбири Тошкент-Гаага-Тошкент.

«Янгидан тикланган мамлакат» деган муқаддимда Ўзбекистоннинг Президент Ислоом Каримов етакчилигида босиб ўтган тарихий тараққиёт йўли, ўзига хос ва мос стратегик концепцияси, бозор иқтисодиёти қонунларининг миллий ҳусусиятлари, иқтисомий давлатчиликнинг амалий фаолияти ва ютуқлари ҳақида сўз боради.

«Асарлар тенг йиллар», «Бозор сари йўл», «Хукукий давлат», «Иқтисомий давлат», «Фуқаролик жамияти», «Терроризмга қарши кураш» каби мақолаларда юртимизда олиб борилаётган ишловлар мамлакат раҳбари фаолиятининг туб моҳиятини ташкил этиши ёритилган.

Муаллифлар мамлакат раҳбарининг сиёсий-хукукий таълимотини илмий-назарий ва амалий нуқта назардан таҳлил қилиш, миллий тараққиёт стратегияси асосий таъминлари, эркинлаштириш сиёсати, Ўзбекистонда очил фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнлари ва илк тадрижий босқичларини публицистик шаклда умумлаштиради.

Терроризм — бутун инсониятга таҳдид солаётган ёвуз куч. Ўзбекистон минтақамизнинг энг йирик давлати сифатида шундай ҳолатга қарши гав бўлди. Ўзбекистон раҳбари 90-йилларнинг бошидаёқ жаҳон аҳлини терроризм хавфидан огоҳ қилган эди. Афсуски, ўша даврларда дунё ахли, ҳаттоки, катта-катта мамлакатлар раҳбарлари ҳам бу даҳшатнинг башариёти тараққиётга таҳдидини тўла англаб етмаган. Муаллифлар шу беғамликнинг асл сабабларини ва унинг оқибатида содир бўлган фожиаларни ҳолис таҳлил қилган, Ўзбекистон раҳбарининг бу борадаги тарихий хизматларини ҳаққоний

«Хукукий давлат» мавзусидаги олти, «Фуқаролик жамияти» мавзусидаги икки мақола асосини Конституцияимизнинг яратилиш тарихи ва унинг инсон-

Энг яхшилар танлови

«Ташаббус-2004» кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган эллиқдан ортиқ мулкдорнинг вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидаги кўргазмалар залида ишбилармонлар меҳнати, иқтидори, салоҳияти маҳсули бўлган турли хил буюмлар, қишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотлари, халқ амалий санъати намуналари намойиш қилинди.

Улуғнор туманидаги «Мамажонбува» фермер хўжалиги кейинги йилларда чорва моллар бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш борисида салмоқли ютуқларга эришаётди. Шу боис «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича қишлоқ мулкдори Мухаммадҷон Мирзақаримов биринчи ўринни қўлга киритди. «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича голиблик Шаҳрихондаги «Насруллоҳжон» кўп тармоқли хусусий фирмасининг раҳбари Умарбек Тожибоевга насиб этди. Мазкур фирма қишлоқда ўнга яқин хизмат кўрсатиш шохобчаларини очган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, катта даромадга эга бўлаётди. Энг муҳими, кейинги бир йилнинг ўзиде 50 га яқин янги иш ўринлари яратди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Молиялаштиришнинг янги усули

«Галлабанк»нинг Бухоро вилояти филиалида Ромитан туманидаги «Болта бобо» фермер хўжалиги раҳбари С. Нажмиевни учратиб қолдик. У зарур умуш билан банкка келган экан.

тира олади. Шу билан бирга, молиявий муассасанинг ҳар бир бўлими ва ҳар бир мини банкда тадбиркорлар бурчи бўлиб, уларда фермер хўжалиқларига кредит ажратишга оид меъёрий ҳужжатлар тўплами мавжуд.

«Биз ушбу молиявий муассаса хизматидан мамнунимиз, — дейди фермер. — Айниқса, молиялаштиришда янги усул жорий этилгани айни мудоао бўлди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ишловлар туфайли фермерлар етиштираётган маҳсулотлар ҳамми йилдан-йилга кўпаяпти. Айни чоғда жойларда фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатадиган кенг тармоқли инфратузилма вуздулда келмоқда. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган молиявий хизмат турлари яратилганлиги, шу жумладан, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётганлиги шундан далолат беради.

Банк тизими

— Илгари биласизми, давлат бюртотмаси асосида етиштирилаётган пахта ва галла ҳосили учун ҳукумат томонидан ҳаммага бир хил миқдорда маблағ ажратилар, уни қандай мақсадларда сарфлаш ҳам белгилаб берилар эди. Утган йилдан бошлаб бунга чек қўйилди. Яъни, режа асосида тайёрланаётган маҳсулотга қараб, қанча маблағ зарурлигини ўзимиз ҳисоб-китоб қилганда кейин, банкка мурожаат қилдик. Банк бизга 579 минг сўм имтиёзли кредит ажратди. Натияжада экинларни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш жараёнларида маблағ масаласида қийналмасдан, аксинча, уни иқтисод қилиш пайидан бўлдик. Жорий йилда ҳам ҳозиргача етиштириладиган галла учун зарур бўлган 202,8 минг сўмнинг 126,4 минг сўмини олдик.

Келгусида фермерлар тармоқда асосий маҳсулот етиштирадиган субъектга айлиб, улор соҳа тараққиётини белгилайди. Шу боис Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони таллаблари асосида республикаимизда бундай янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилиш, номоздорлар танлов асосида саралаш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилдан бошлаб ҳукумат қарорига мувофиқ, Андижон, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларидаги фермерлар учун ҳам банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш механизми жорий этилгани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Бунда, айниқса, республика акциядорлик тизими

Ҳосил ҚАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯШИРГАНГА — ЖАРИМА

НКМдан ўтказилмагани, НКМнинг «З» ҳисобига 358 минг 272 сўм киритилмагани ва бу сўмма банк муассасасига топширилмагани маълум бўлди. Бундан устига, Одил Мўминов ҳам, Давлат Рафуров ҳам шу кунга ҳужжатси ва рухсатсиз савдо фаолияти билан шуғулланиб келишадиган экан. Шу боис дўкондаги 5,6 минг килограмм ун, 80,1 килограмм йодланган туз, ёғ, хўжалик совуни — ҳамми 922 минг 380 сўмлик озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси вақтинча тўтатилади. Суриштирувдан ҳўнг ҳар бир қондабузарлик соҳатига тегишлича баҳо берилди.

баробари миқдориде жаримага тортилди. Жарима жазолари қўлланилганда кейин бир йил мобайнида тақририй ҳуқуқбузарлик содир

«Қарор ва ижро» этилган тақдирда эса энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдориде жарима қўлланилади. Бундай қўнғилхирликлар бўлмаслиги учун амалдаги қонун-қондаларга амал қилган ҳолда иш юритиш маъқул, деб ҳисоблаймиз. Лекин бу оддий ҳақиқатни тан олмай ўзи билганича иш тутаетган тадбиркор ва тижоратчилар охирад қўйиб қолтириш охирад. Яқинда Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Рахия» хусусий қорхонасида ҳужжатли текширув ўтказиб, йирик молиявий бузилишларни шош этдилар.

теъмоли ва бошқа хил товарлар пул ўтказиш йўли билан улгуржи сотилмай надиқа пуллангани, саводдан тушган нақд пуллар эса банк муассасаларига топширилмагани, 136 миллион 43 минг 832 сўмлик улгуржи сотилган товарларнинг кичим ҳужжатлари йўқлиги, демек, товарси операциялар амалга оширилганлиги аниқланди. Фирма раҳбари Р.Азизов бу ҳолатларни тушунтириб беролмай солиқчилар олдида қизиб қолди. Молиявий бузилишларга йўл қўйган ҳуқуқбузарлар энди жазосиз қолмайдилар. Текширувлар давомида аниқланаётган камчиликлар бирин-кетин бартараф этилапти. Лекин касалда далолатдан кўра олдини олган маъқул, деган гап ҳам бор. Шу сабабли солиқ хизмати ходимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 280-сонли қарориде таъкидланганидек, нақд пул тушуми яширилган тақдирда солиқ органининг қарорига кўра, яширилган нақд пул тушуми миқдориде жарима ундирилади. Назорат касса машиниса қўлланилмай савдо қилинганда вақтинча ундирилган сумма давлат бюджетига йўналтирилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 20

«Қарор ва ижро» этилган тақдирда эса энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдориде жарима қўлланилади.

«Қарор ва ижро» этилган тақдирда эса энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдориде жарима қўлланилади.

Давлат солиқ қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигини қўшма раёмида шаҳардаги ҳар бир туманда аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатишчи субъект-

Бахтлидир аёлни ардоқлаган эл

Бобурийлар сулоласидан етишиб чиққан буюк шоирлардан бири Зебуннисобегимдир. Уни ҳақли равишда Шарқ шеърятининг маликаси деб атайдилар. Зебуннисо Бобур Мирзонинг чевараси бўлмиш Аврангзебнинг эрка қизи эди. Мана, уч юз йилдирки, шоиранинг дилбар газаллари кўнгил мулкига галаён солса, у битган рисолаю ҳикматлар дониш аҳлини лол қолдириб келади.

Шарқнинг буюк фозилалари

Зебуннисонинг Бадиҳаси

Унинг назмий жавоҳирларини ўзбек тилида ўқишни неча замонлардан бери орзу қилар эдик. Шукрим, кутлуғ армонимиз ушалдиган кунлар ақинлашиб қолган бўлса, ажаб эмас. Шоиранинг кечмиш умри узун ва қайғули дostonни эслатади. Олло тало суюкли бандасига нени раво кўрмоқчи бўлса, барчасини Зебуннисобегим тимсолида мужассам этганди. У хунда танҳо, илму ҳикматда якто, назм бўстонидан мисоли булбул эди. Замонасининг манман деган шоирлари ҳам у билан беллаша олмаган.

Шоира битган байтлар қаърига яширинган маънолар сирини англаш учун алломаи даврон бўлмоқ лозим. Чархи кажрафторнинг адолатсизлигини қарангки, ана шундай олий фазилатлар соҳибаси бўлмиш Зебуннисобегимнинг шахсий ҳаёти кемтик эди. «Менинг эрим ҳам, бахтим ҳам, хатто жаннатим ҳам китоб», дея хитоб этган шоира бир умр ўзига муносиб ёр тополмай, дунёдан тоқ ўтди. Зеро, «илон

оғзидан шакар, шер кўксидан сўт» талаб этадиган Зебуннисобегимга ошиқлик даъвосини қилиш учун отнинг калласидек юрак керак эди. Ривоятга кўра, у ёшлик чоғида Оқилхон Ғозий деган шоиртабиат йигитга кўнгил қўйган экан. Улар гоҳо хуфёна учрашиб, шеъронлик қилиб турар эканлар. Бир кун учрашувнинг устига шох Аврангзеб келиб қолади. Ошиқ йигит кўрққанидан бог четидаги дошқозонга

тушиб қопқоғини ёпиб олади. Аврангзеб мулозимларини чақириб қозон тагига ўт ёқишни буюради. Хизматкорлар ўчоққа ўт қўядилар. Оқилхон куйиб кул бўлгунча товушини чиқармайди. Ишқ йўлида чин маънода қабобга айланиб ҳалок бўлади. Бу манзарани кузатиб турган Зебуннисо минбаъд бироваг кўнгил бермасликка онт ичган эмши. Яна бир ҳикоят шеърят маликасининг топқир-

лиги тўғрисида. Бир кун Зебуннисо боғда сайр этиб юрарди. Ям-яшил дарахлар, алвон гуллар, қумрию булбуллар нағмасидан тилига куйилиб шеър келди: **Чаҳор чиз ки дил мерабад қадом чаҳор...** Шеърнинг иккинчи сатри «Мадоми сабзау оби равону руйи нигор» бўлиши керак эди. Яъни, тўрт нарсани дилимни овлаб, мамнулик бағишлайди: май, сабзалар, оқар сув ва ёр жамоли. Зебуннисо энди оғиз жуфтлаганда боғда отаси пайдо бўлди. Аврангзебнинг ўта мутаассиблигини билган қиз кўрққанидан байтини «тузатиб» қайта ўқиди: **Чаҳор чиз ки дил мерабад қадом чаҳор, Намозу рўзаю тасбеҳ, дигар истиғфор.** Бу — тўрт нарсани дилимни овлаб хушнуд этади: намоз, рўза, тасбеҳ ва тавба-тазарру, дегани эди. Аврангзеб зукко қизининг «шаръий» шеърини маъқуллагандек, бош ирғаб ўтиб кетди. **Саъдулла СИЁВ.**



Жиззахлик Гулнора Бозорова бошқараётган кичик корхонада зардўзлик буюмлари ишлаб чиқарилади. Корхонада меҳнат қилаётган хотин-қизлар захматли меҳнатлари билан гузаллик яратишмоқда. Улар қўлида сайқал тошган зардўзлик буюмлари харидорғирлиги билан ажралиб туради. — Корхонангиз маҳсулотларига, айниқса, чет элликлар талабгор, — дейди Г. Бозорова. — Биз тиккан чопонлар, кейин-куёв либослари, бешик жилдларини кўриб, улар хайратга тушадилар. Бу мен ва шогирдларимга қувонч бағишлайди. **СУРАТДА:** моҳир зардўз ва мураббий Г. Бозорова (ўнгда) шогирди Д. Умарқулова билан. **Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.

Байрам

Мушоираси

Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган баҳор ва байрам мушоирасини «Саодат» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва олиб борди. Мушоирани шоир Минҳожиддин Мирзо очиб, ижодкор хотин-қизларни 8-март байрами билан қутлади ва уюшма раҳбари, халқ шоири Абдулла Ориповнинг янги қўлов шеърини ўқиб берди. Сўнгра минбарда Шарифа Салимова, Қўлибека Раҳимбоева, Гулчара Йўлдошева, Фаҳрида Афрўз, Мухтарам Улуғова, Санобар Фахриддинова, Умида Абдузаимова, Раъно Раҳмонқизи, Соҳиба Абдуллаева, Назира Ассалом ва бошқа шоирларнинг шеърлари янгради. Филология фанлари номзоди, адабиётшуноси Хулқар Олимжонова билан адиба Олмос Аҳмедовалар Ҳамид Олимжон, Зулфияхоним ва Гафур Гулом ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар. Олий адабиёт курси талабалари ҳам шеърлар ўқиди. Таъдбир шоирлар Сироҷиддин Саййид ва Рустам Мусурмоннинг аёлларга бағишланган шеърлари билан ниҳоятга етди. **Ўз муҳбириниз.**

...Яна баҳор келди. Тиниқлиги билан аёл тароватини, илиқлиги билан аёл меҳрини эслатувчи баҳор. Боғлари ўтлоқларни, куртагу бутқоқларини эмас, кўнгилларни ҳам уйғотувчи, диллар тубидаги тинчон орзуларни кўзгатувчи фасл. Унинг турфа фазилатларидан бири ёшлиқдаги бегубор туйғуларининг такрорлаб илҳом бахш этишида, умринг баҳоридagi орзуларинг қанотланишига ҳисса қўшган инсонларнинг нури сиймоларини кўз олдинга келтиришида намоён бўлади. Юрагингиздаги уларга аталган самимий миннатдорчиликни гуллар, номалар воситасида изҳор этишга маврид яратади.

Таъзим сизга, онажон!

Бугун ана шундай миннатдорчилик мактуби билан гул тутмоқчи бўлганим менга ўз опамдай меҳр кўрсатган, қарийб қирқ беш йил давомида ўз самимияти, дилбар шеърляти, захматкашлигию хокисорлиги, ҳеч қандай шароитда ўзгармайдиган ибоси билан шоирларимиз даврасида ажралиб турадиган шоира Гулчехра Жўраева бўлади. Уни илк бор республика ёшлар газетаси (ҳозирги «Туркистон»)нинг адабиёт ва санъат бўлимига машқларимни кўрсатиш учун борганимда кўриб эдим. Университетнинг журналистика бўлимини биттириб, шу даргоҳда ишлаётган, талабалик йилларидаёқ шеърлари газета ва журналларда босилиб элга танилиб қолган бу шоира ниҳолдай но-зик, ёшидан кўра навқиронроқ кўринадиган, қош кўзлари Фурқатнинг «Қошларинг остида гўё икки фаттон кўзларинг икки ҳинду баҷадирим ёндошиб ё тортадур» байтини эсга солидиган гоёғ гузал, хушқомат, гоёғ дилбар эди. Зулфиябегим даврасидаги булбулзабонлардан бири бўлган бу шоира ашиқдан кириб келган одамни ўрнидан туриб қутиб олиши, журматини жойига қўйиб, ўрин кўрсатиб ўтказиши, майин овозда сўзлашиб, суҳбат орасида меҳр ва хайрихолик изҳор этиши билан ўзини ром этар, шу билан эҳтиромини ҳам сазовор буларди. Ушанда ҳаёлимдан ўзбек шоираси айнан шундай бўлиши керак, деган фикр ўтган эди. Ҳаёт бу фикрини қайта-қайта тасдиқлади. Ҳамон опа билан кўришсам ўша тароват ва назокат кўз ўнгимга келади, ўша самимият ва хушмуомалалик, дилкашлик такрорланади. Такдир Гулчехра опанинг умр йўлларини яна бир ижодкор шоир ва адиб, бироваг яхшилик қилишдан завқланадиган барги кенг инсон Сайёр билан боғлади. Сайёр ака билан Гулчехра опа хонадонни Ёзувчилар уюшмасининг кўча маҳалласига ўшарди. Республиканинг қайси бурчидан келган хаваскор шоир ё носир бўлса тортидан кириб келаверар, опа эса ҳеч малол олмай дастурхон ёзиб қутар, маслаҳатларини дариг тутмас эди. Оилада бирин-кетин дунёга келган Фирдавс, Феруз, Сарвар, Шаҳиналар улғайиб борар, уларнинг ҳар бири бир олам, айни пайтда газета иши, ижод, боз устига Сайёр ақининг улфатлари...

шарқ аёлларига хос фазилатлар соҳибаси, айни пайтда барчасидан оналик бахтини устун қўяди! «Болам ва қалам» шеърини эсда: **Оналик - шунақа, Оналик қийин, Шеър ҳам фарзандим, арзанда болам, Аммо...** **Болам йнглаганда ижод бир тийин, Қоғозим устида қолади қалам.** Шоира шеърляти унинг ўнлаб китоблари, достонлари нашр этилганда қилни қирқ ёрувчи мунаққидлар томонидан талқин ва таҳлил қилинган, шеърпараст халқимиз қалбидан жой олган. Аммо бу мўтабар аёлнинг инсоний фазилатлари ундан меҳр кўрганлар қалбиди. Тасодифан Тошкентда ҳарбий хизматга қақирилиб, зудлик билан Узоқ Шарққа жўнашимга тўғри келди. Биз жўнайдиган қақирилувчилар даргоҳида Гулчехра опа билан елкасига аскар юкхалтасини оingan Сайёр акани учрашиб қолган экан. Опанинг оталари Содик ота Жўраев, оналари Жамила хола, акаларию кенойиллари, оналари уни кузатгани келишган экан. Мени опа ўз жигаргўшалари билан укам, деб таништирди. Ушанда Гулчехра опа билан Сайёр ака кўпроқ менинг ёнимда бўлишди. — Сизлар Ботиржонни кузатаверинлар, — десам... — Уни кузатувчилар кўп... Кўрдингиз-ку... Биз Сизни кузатамиз — деди опа. Тўрт йиллик хизмат давомида энг кўп хатни, китобларни шу хонадондан олиб турдим. Ҳарбий хизматдан қайтган, бу хонадон билан мустаҳкамроқ боғланиб қолдим. Опа билан бир бинода турли тахририятларда ишладик. Наманганга қайтган, мунтазам борди-келди қилиб турадиган бўлдим. Опа ўша-ўша меҳрибонлик билан ёзганларини кузатиб борар, бирор нашрда босилган шеър ё достонларимга, китобларимга муносабат билдириб келади. Хизмат ва ижодий иш баҳонасида турли вилоятларда адабий тадбирларда, учрашувларда бирга бўлдик. Гоҳо олис вилоятлардан бемақал қайтганимизда бухоронлик Тошпўлат Аҳмад билан мени хонадонларига олиб кетарди. Бизга ажратилган хонага жойлашганимизча опанинг бирор тазииб тартиблари, биздан-да кўпроқ чарчаган опа чарчоқни ҳам унутиб бизга хизмат қиларди. Ўша очик чехра, ўша самимият билан. Буларни унутиб бўладими? Сайёр ака вафотидан бир неча кун ўтганда опа билан дардлашиб келиш учун яна хонадонларига бордим. Албатта, худодлик ва йиллар ўз таъсирини ўтказган. Лекин меҳр, самимият, хокисорлик, зарра ўзгармаган. Опа гоҳ-гоҳ сакраб турадиган қон босимидан ҳам нолимай, қобил фарзандлар камолдан таскин топиб, набираларда ўз ёшлигини кўриб ижод билан бандлигидан мамнун бўлдим. Янги-янги китоблар нашр этиб, бўлажақларини яна кўздан кеңиб, истиқлол берган неъматга шукрона келтириб яшайтилар. Бугун баҳорнинг тўнғич байрами, халқро хотин-қизлар кун баҳонасида Намангандан гулдаста сифатида шу мактубни йўлладим: **Азиз Гулчехра опа! Менга бахш этган меҳрингиз ва хизматингиз учун, берган тузингиз учун, шоир қандай бўлиши кераклигини кўрсатган ибратингиз учун Сизга таъзим ва ташаккур! Байрамингиз муборак бўлсин! Умрингизнинг ҳар бир лаҳзаси байрамга айлансин!** **Ҳоиб Саъдулла, Ўзбекистон халқ шоири.**



Оналар ҳақида бир қўшиқ тайёрладим. Эшитсангиз эриб кетасиз, дея шипшимоқда хизмат кўрсатган артист Санобар Каримованинг қулогига халқ артисти Марямжон Сатторовани. **Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ** олган сурат

Қўмсаиш

Кайнонамнинг оқ фотиҳалари билан янги уйга қўйиб ўтдик. Домчилик қизик бўларкан. Қўни-қўшилар билан танишиб, кирди-кичди бошлангунчама вақт керак экан. Бундай кезларда одамни одамга яқинлаштирадиган, янги қўшилар билан тез киришиб кетишга ёрдамлашадиган тўй-хашам, маъракалар бўлади. аслида. Шундай йилнинг бирини бирини йўлакдаги уйда яшайдиган фаршталли бир аёлнинг «Булар Озода опамиз, домимизнинг онабошиси бўладилар. Шифохондан яқинда чиқдилар, шу боис сиз энди кўрясиз. Нима маслаҳатли гапимиз

бўлса шулар билан иш битирамиз. Жуда бамаъни аёллар» деб таърифлашди. Ҳақиқатан ҳам, ёшлари етмишларга бориб қолган, оқ-сарикдан келган, жилмайиб сўзлашарими, думалоқкина юзларига ярашган кўлчиларими, кийфаларидagi кексаларга хос майинлик, ҳалимликданми суҳбатларига тўймай қолдим. Онажонимнинг бир кўргани борганимда таърифу тавсифини жойига қўйиб айтган илк янгиликим шу бўлди. «Опажон, худди сизга ўшарканлар, мулойим жилмайишлари, ҳаммага бирдекликлари худди ўзингиз экан». — Ўша аёлни тез-тез йўқлаб тур болам. Кирдикичди қилгин. Вақти-бевақт маслаҳатли ишларинг бўлса чиқиб сўрайсан, — дедилар онажоним ушанда. — Менинг хазинам ўзингизсиз, онажон... — Ҳа, энди маням боғ-

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT «ТУРОНБАНК»И ЖАМОАСИ

Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва баҳор байрами - 8 март билан самимий қўтлайди!


Сизларга сизат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда муваффақият ва тақсад сари илтипати тилайди.

Ҳамиша бахтиёр, гўзали ва севилими бўлинг!

TURON BANK

Ўғитингиз илҳомим менинг

Ижодкор илк илҳомни онасининг сўзларидан олади. Ижодининг илк намуналари ҳам онасига бағишланади. Зеро, менинг ушбу ёзганларим ҳам онамнинг панду насиҳатлари, ўғитларидир. **Умр — мисоли оқар дарё. Лекин инсон бу дарёнинг оққанини билмай қолади. Яхшиямки, дарё билан қўшилиб оқасан. Билгакс...** **Пул — қўлинг қири, дейишади. У бир қозғ. Майлига, пулларингиз оз бўлсин-у, қадрингиз баланд, виждонингиз тоза, инсофингиз бой бўлсин.** **Меҳр — кўзда дейишади. У ҳам сув каби настга оқаркан. Боламчакам деб, меҳрингиз, қалбингиз, куч-қувватингиз, кўз нурунгни бахшида этиб яшайсан. Ва ниҳоят, фарзандинг ҳам «болам-чақам», деб қолар экан. Сувнинг настга оққаниям яхши экан, болам.** **Фарзанднинг ҳам пешонасига ёзган ўз ризқи, ўз насибаси бор. Олаҳнинг берганидан ҳеч қим ноумид, ношукр бўлмасин!.. Зеро, қаноат — тирликнинг онасидир.** **Соҳиб Г. Йўлдошова тайёрлади.**



Кечагидек ёдимизда, Президентимиз Ислам Каримовнинг дастлабки Фармони "Наврўз умум-халқ байрамини нишонлаш тўғрисида" эди. Тоталитар тузум ҳукмронлиги давом этатган бир пайтда ушбу мардонавор ишга қўл уриш ҳақиқий жасорат бўлди. Наврўз байрами азалий қадриятларини соғинган одамларни эзгу ишларга бирлаштирди. Бу эса юртимиз тарихида уйғониш фасли, янги кун бўлиб қолди.

Меҳрли юрт Наврўзи

Президентимизнинг 1992 йил 22 майда имзоланган "Наврўз" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони билан "Наврўз" хайрия жамғармаси Мустақиллигимизнинг биринчи қадригачи, меҳри эл "Наврўз"и бўлиб дунёга келди.

за қилиш вазирлиги билан имзоланган шартномага кўра 2005 йилга қадар ёлғиз кексаларни, ногирон ва пенсионерларни оптик кўзойнақлар билан таъминлашни ўз зиммасига олган. Жумладан, Обод маҳалла йиллида Самарқанд вилоятида 50, Тошкент шаҳрида 64, Хоразм вилоятида 30, Қашқадарё вилоятида 20, Сурхондарё вилоятида 30 нафар қарига ва бошқа вилоятларда жами 1,5 млн. сўмликка яқин оптик кўзойнақлар олиб берилди.

Меҳр ва муруват йиллида жамғарманинг юмушлари янада салмоқли бўлиши кўзда тутилган. Барча бўлимлар йил давомида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мухим бир аниқлик, 2004 йилда жамғарма "ALSKOM" Россия-Ўзбекистон қўшма сугурта компанияси билан ҳамкорликда "Меҳр-муруват" сугуртасини ташкил этди. Энг яхши аъзоларни тарғиб қилиш ниятида Телерадиокомпания билан ҳамкорликда йил давомида фаолият кўрсатадиган "Меҳр-муруват" хайрия курсатувлари туркумини намойиш қилиш режасини белгилади.

Наврўз байрамга тайёрлик қилиш, уни юқори савияда ўтказиш борадидаги режаларимиз шу куннинг

асосий юмушидир. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги "Наврўз" хайрия жамғармасининг байрамолди тадбирларини кенг қўллаб-қувватлади. 21 февралда вилоятда хайрия хашари ўтказилди. Ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида бутун вилоят аҳли иштирок этди, дейиш мумкин.

"Наврўз" хайрия жамғармаси АҚШнинг "Каунтерпарт Интернейшнл" ташкилоти билан инсонпарварлик ёрдами юзасидан шартнома тўзди. Утган йиллар мобайнида ушбу ташкилотдан Тошкент вилояти бўлими 80 миң АҚШ доллари миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари, турли кийим-кечалар олиб, муҳтожларга улашди. Бўлим бошлиғи Мухаббат Шооупованинг шу кунлардаги ташвиши вилоятдаги камқонли аёлларни дори-дармон ва бошқа керакли буюмлар билан таъминлашдир. Бу соҳада Хотин-қизлар қўмитаси билан олиб борилаётган ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Жамғарма "Маҳалла", "Соғлом авлод" учун, "Нуроний", Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари билан биргаликда тадбирлар ўтказиш режаларини белгилади.

Утган 2 ой мобайнида барча вилоят ва шаҳар бўлимлари қариялар, беморлар, ногиронлар ва меҳрибонлик уйларига ташриф

бўришиб, турли хайрия тадбирлари ўтказилди. Бу йилги режамизга кўра, тадбирлар вилоятлар бўлимига бўлиб берилган. Мисол учун, Қашқадарё вилояти бўлими вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ҳарбий қисмларга ота-оналарнинг, аскарларнинг яқинларини олиб бориш ва учрашувлар ўтказиш режасини кенгроқ амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқди. Бу соҳада жамғарма Мудофаа вазирлиги билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Тошкент шаҳар бўлимига асосан маҳаллалар билан ишлашни кенгроқ амалга ошириш вазифаси юклатилган. "Эшқўлат ота" қаҳвахонасида ўтказилган тадбиримизга Собир Раҳимов туманидаги яқин-ёқин онахон ва отахонлар таклиф этилди. Ана шундай тадбирлар барча бўлимларимизда йўлга қўйилган.

Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси ҳам Наврўз байрамини мисоли янада юксалишига нишонмиш. Бу йилги Меҳр ва муруват йиллида жамғарма ва унинг низоми вазифаларини қўллаб-қувватловчи саҳоватешалар кўпайди. Бундан 12 ил муқаддам дунёга келган мамлакатимизнинг биринчи хайрия ташкилоти ҳам ўз дастурларини "Меҳр ва муруват йили" Давлат дастурига қиритилган вазифалар билан уйғунлаштириб олиб бормоқда.

Президентимиз меҳр-оқибат ҳақида гапириб, ушбу сўзларни айтганда юқорида доим жарағлаб туради:

"Саховат қўлини чўзинг, ҳеч ким бойлигини нариги дунёга олиб кетмайди, тирликнинг зиннати савобли ишлар қилишдир."

Дарҳақиқат, меҳри элнинг фарзандлари саховатлидир. Улар ўзларининг савобли ишлари билан эл-юртига, Ватанимизга меҳр-муруватини кўрсатадилар. "Наврўз"чилар ҳам уларнинг сафида эканлиги билан фахрланидилар. Меҳри эл наврўзи муборак бўлсин!

Даҳодан ЁҚУБОВ,
Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси раиси.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

бўш (вакант) кафедра мударлари, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент лавозимларига битим асосида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Агрокимё; ботаника ўқув-илмий маркази; одам ва ҳайвонлар физиологияси; тупроқшунослик; умуртқасизлар зоологияси ўқув-илмий маркази; география ўқитиш методикаси; геодезия, картография ва кадастр; ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт; куруқлик гидрологияси; табиий география; геология; петрография ва минерология; замонавий геодинмика ва сейсмология; педагогика; сиёсатшунослик; социология; Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти; амалий сиёсатшунослик; иқтисодиёт назарияси; иқтисодиётда математик методлар; факультетларо иқтисодиёт назарияси; жаҳон иқтисодиёти; органик кимё; табиий бирикмалар кимёси; информатика ва тадбиқий дастурлаш; ижтимоий-гуманитар фанлар учун информацион технологиялар; оптимал бошқариш назарияси; параллел компьютер технологияси; программалаш технологиялари; назарий ва тадбиқий механика; алгебра ва сонлар назарияси; дифференциал тенгламалар; функционал анализ; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; жаҳон тарихи; Ўзбекистон тарихи; факультетларо Ўзбекистон тарихи; Ўзбек мумтоз адабиёти; фалсафа тарихи ва мантук; этика ва эстетика; ижтимоий фалсафа; назарий физика; астрономия; умумий физика; давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; жиноят жараёни ҳуқуқи; жиноят ҳуқуқи; фуқаролик ҳуқуқи; **кафедралари мударларига.**

Геодезия, картография ва кадастр; ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт; табиий география; петрография ва минерология; ёш ва педагогик психология; Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти; иқтисодиёт назарияси (2); иқтисодиётда математик методлар (2); менежмент; аналитик кимё; анорганик кимё (2); органик кимё; табиий бирикмалар кимёси (2); информацион технологиялар; математик физика; оптимал бошқариш назарияси; программалаш технологиялари; назарий ва тадбиқий механика (2); математик анализ; функционал анализ; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; этнология; миллий уйғониш даври Ўзбек адабиёти; Ўзбек мумтоз адабиёти (2); Ўзбек тилшунослиги (2); умумий тилшунослик (2); маънавият асослари; факультетларо фалсафа; этика ва эстетика (2); фалсафа ва фан методологияси; назарий физика кафедралари **профессорларига.**

Биокимё; биотехнология; биофизика; ботаника ўқув-илмий маркази; генетика ва цитозембриология; одам ва ҳайвонлар физиологияси; тубан ўсимликлар ва микробиология; ўсимликлар физиологияси (2); экология (2); география ўқитиш методикаси (2); геодезия, картография ва кадастр; ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт; куруқлик гидрологияси (3); табиий география; геонформатика ўқув-илмий маркази (2); геология (3); петрография ва минерология (2); оммавий алоқалар ва реклама; ижтимоий психология (3); педагогика (3); сиёсатшунослик; социология (4); Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (3); бизнесни бошқариш (2); иқтисодиёт назарияси (2); иқтисодиётда математик методлар (2); менежмент (2); минтақашунослик ва тармоқ иқтисодиёти (2); факультетларо иқтисодиёт назарияси (2); анорганик кимё (2); органик кимё (4); полимерлар кимёси (3); табиий бирикмалар кимёси; умумий кимё (5); физикавий ва коллоид кимё (2); информатика ва тадбиқий дастурлаш; математик физика (2); оптимал бошқариш (2); параллел компьютер технологияси (2); программалаш технологиялари; назарий ва тадбиқий механика (3); алгебра ва сонлар назарияси (2); геометрия ва математик тарихи (3); дифференциал тенгламалар (2); математик анализ (3); функционал анализ (2); эҳтимоллар назарияси ва математик статистика (2); Ўзбекистон тарихи (2); факультетларо Ўзбекистон тарихи (5); санъатшунослик (2); миллий уйғониш даври Ўзбек адабиёти; тарихология; Ўзбек мумтоз адабиёти (2); Ўзбек тилшунослиги (4); умумий тилшунослик; ҳозирги замон Ўзбек адабиёти; диншунослик; маънавият асослари; факультетларо фалсафа (2); фалсафа тарихи ва мантук (2); фалсафа ва фан методологияси (2); ижтимоий фалсафа; назарий физика (3); астрономия; атмосфера физикаси (5); квант радиофизикаси; оптика; полимерлар физикаси; умумий физика (3); физикани ўқитиш услуби; яримўтказгичлар ва диэлектрик физика (2); ядро физикаси (2); рус адабиётшунослиги; рус тилшунослиги (2); таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик (3); чет эл адабиётшунослиги; давлат ва ҳуқуқ асослари; давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи (2); жиноят ҳуқуқи (2); фуқаролик жараёни (3); рус тили; Ўзбек тили; жисмоний тарбия кафедралари **доцентларига.**

Агрокимё; биофизика; тупроқшунослик (2); умуртқасизлар зоологияси; экология (3); география ўқитиш методикаси; биофизика (2); геонформатика ўқув-илмий маркази; геология (3); геофизика (2); гидрогеология; петрография ва минерология (2); чет тиллар; матбуот (2); оммавий алоқалар ва реклама (2); телекўрсатув ва радиоэшитириш (2); услубият ва муҳаррирлик; ижтимоий психология; педагогика (2); сиёсатшунослик (4); социология (2); Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти; бизнесни бошқариш (3); чет тиллар (4); иқтисодиёт назарияси (2); иқтисодиётда математик методлар; менежмент (5); минтақашунослик ва тармоқ иқтисодиёти; информатика ва тадбиқий дастурлаш; археология (2); манбашунослик ва махсус тарих; Ўзбекистон тарихи; факультетларо Ўзбекистон тарихи (2); этнология (2); жаҳон адабиёти ва назарияси; компьютер лингвистикаси; туркология (2); умумий тилшунослик (2); диншунослик; маънавият асослари (4); факультетларо фалсафа (3); фалсафа тарихи ва мантук (3); этика ва эстетика (3); фалсафа ва фан методологияси; ижтимоий фалсафа (5); немис филологияси; инглиз тили лексикаси ва стилистикаси (3); инглиз тили фонетикаси ва грамматикаси (7); рус адабиётшунослиги (4); рус тилшунослиги (3); француз филологияси (3); чет эл адабиётшунослиги (2); давлат ва ҳуқуқ асослари (4); давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи (2); конституцийий ҳуқуқ (5); жиноят жараёни ҳуқуқи (5); жиноят ҳуқуқи; фуқаролик жараёни (3); фуқаролик ҳуқуқи; халқаро ва қиёсий ҳуқуқ (2); геология-география факультетлари учун чет тиллар (2); кимё ва биология-тупроқшунослик факультетлари учун чет тиллар; рус тили; тарих факультети учун чет тиллар; ҳуқуқшунослик ва Ўзбек филологияси факультети учун чет тиллар; Ўзбек тили; физика ва механика-математика факультетлари учун чет тиллар (4); жисмоний тарбия (8) кафедралари ва табиий тайёрлов бўлими (6) **катта ўқитувчиларига.**

География ўқитиш методикаси; геодезия, картография ва кадастр (3); демография; ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт (2); чет тиллар (5); матбуот (2); оммавий алоқалар ва реклама; телекўрсатув ва радиоэшитириш; услубият ва муҳаррирлик (2); интернет журналистика (3); ёш ва педагогик психология; ижтимоий психология; педагогика (2); умумий психология (3); сиёсатшунослик (4); социология (3); Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти; бизнесни бошқариш (3); чет тиллар (4); иқтисодиёт назарияси (2); иқтисодиётда математик методлар; менежмент (5); минтақашунослик ва тармоқ иқтисодиёти; информатика ва тадбиқий дастурлаш; археология (2); манбашунослик ва махсус тарих; Ўзбекистон тарихи; факультетларо Ўзбекистон тарихи (2); этнология (2); жаҳон адабиёти ва назарияси; компьютер лингвистикаси; туркология (2); умумий тилшунослик (2); диншунослик; маънавият асослари (4); факультетларо фалсафа (3); фалсафа тарихи ва мантук (3); этика ва эстетика (3); фалсафа ва фан методологияси; ижтимоий фалсафа (5); немис филологияси; инглиз тили лексикаси ва стилистикаси (3); инглиз тили фонетикаси ва грамматикаси (7); рус адабиётшунослиги (4); рус тилшунослиги (3); француз филологияси (3); чет эл адабиётшунослиги (2); давлат ва ҳуқуқ асослари (4); давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи (2); конституцийий ҳуқуқ (5); жиноят жараёни ҳуқуқи (5); жиноят ҳуқуқи; фуқаролик жараёни (3); фуқаролик ҳуқуқи; халқаро ва қиёсий ҳуқуқ (2); геология-география факультетлари учун чет тиллар (2); кимё ва биология-тупроқшунослик факультетлари учун чет тиллар; рус тили; тарих факультети учун чет тиллар; ҳуқуқшунослик ва Ўзбек филологияси факультети учун чет тиллар; Ўзбек тили; физика ва механика-математика факультетлари учун чет тиллар (4); жисмоний тарбия (2) кафедралари ва табиий тайёрлов бўлими (6) **ўқитувчиларига.**

Агрокимё (2); биокимё; биофизика; ботаника ўқув-илмий маркази; генетика ва цитозембриология (2); одам ва ҳайвонлар физиологияси; тупроқшунослик; умуртқасизлар зоологияси; экология; информатика ва тадбиқий дастурлаш (2); математик физика; программалаш технологиялари; тармоқ технологиялари; геометрия ва математика тарихи; дифференциал тенгламалар; математик анализ (2); эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; назарий физика; астрономия; квант радиофизикаси; физикани ўқитиш услуби кафедралари **ассистентларига.**

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- ҳодимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар,
- илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхалари;
- илмий ишлари рўйхати.

Мажлис — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мuddатда.

Манзил: Тошкент-174, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, кадрлар бўлими.

Телефон: 46-03-92.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг назорат-тафтиш Бош бошқармаси бўлими бошлиғи Абдуллатиф ЗОКИРОВ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақдларига чукур таъзия изҳор этади.	Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси Республика радиоси «Дуслук» ханалигининг собиқ катта муҳаррири, кекса журналист Асдждон ФОЗИЛОВ вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.	«Тошшаҳар»ўловчи-транс» Давлат уюмисини жамоаси уюшманнинг ҳуқуқий хизмати бошлиғи Наталья Дадмухамедовага падаири бузруквор Яхё ИСАЕВИЧ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.	«Кафолат» Давлат-акциядорлик суғурта компанияси жамоаси бош бухгалтер Уринбосари Марҳамат Алимовага волидан муҳтарамаси ХОСИЯТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Ўзбекистон Радиоси жамоаси Маннавият ва мусиқа тақриричинини шарҳловчиси Нуриддин Амипжонова онаси Раҳима ОТАБЕКОВА вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
--	--	---	---	---

Мухтарам юртдошлар!
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ
ХАЛҚ БАНКИ
аҳолига ўзининг 20дан ортиқ жозибадор омонат турларини таклиф этган ҳолда янги «Наврўз айёми» қисқа мuddатли ютуқли омонат турини жорий этди.
Омонатларини шундан банкга сарфлаш ва қўлайлигини!
Халқ банки — сизнинг оилангиз банки!

Омонатга пул маблағлари камидан 5000 сўм миқдоридан Халқ банкнинг барча муассасалари орқали қабул қилинади.
Хар бир омонатчи белгиланган фоиз даромадларни олиш билан бир қаторда 500 000 сўм ютуқ совриндор бўлиш имкониятига эга.
«Наврўз айёми» омонатга пул маблағлари жорий йилнинг 1 апрелига қадар қабул қилиниб, ютуқлар тиражи 2004 йилнинг апрель ойида Қарши шаҳрида ўтказилади.
МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
173-69-15, 173-69-16 (ички 126, 109).

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«ОЛМАЛИК ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ОАЖ
ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИАА
«ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ
ЗАПОР АРМАТУРА ВА 2ВС-105 ВАГОН-САМОСВАЛЛАРИ (ДУМПКАР) ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН
ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги мuddати — 2004 йил 5 апрель соат 18.00гача.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиғи биноси.
Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

Тадбиркорлар ва корхоналар диққатига!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февраль №37 «Миқдосотлар, ҳом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сонининг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ.
РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ-ХОМАШЁ БИРЖАСИ
билан ҳамкорликда қора металл прокати бўйича махсуслаштирилган биржа савдоларини ўтказяди.
Яқин кунларда минерал ўғитларни, кўмир, кабель-сим махсуслотларни, шунингдек, бензин, дизель ёқилғиси ва ёқилғи мазутини сотиш бўйича махсуслаштирилган биржа савдоларини ўтказяди.
Юқорида санаб ўтилган барча махсуслотлар фақатгина ишлаб чиқариш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз эҳтиёжлари учунгина сотилади. Махсуслаштирилган савдоларда сотилган махсуслотларни қайта сотиш ва республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш қатъиян ман этилади.
Санаб ўтилган юқори ликвидли махсуслотларни сотиб олиш учун хўжалик юритувчи субъектлар бевосита брокерларга ёки биржага мурожаат этишлари мумкин. Махсуслаштирилган биржа савдоларида қатнашиш бўйича барча савдоларга брокерлар ва биржа мутахассислари томонидан тушунчалар бериллади.
Шунингдек, биржа ички бозорда ва ташқи бозорларда товарларни сотиш ва сотиб олиш бўйича кўмак беради.
Богланиш учун телефонлар:
144-61-17, 144-60-33, 144-24-17, 132-69-49.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
(Газетанинг наватдаги сони 10 март, чоршанба кунини чиқади).

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллимов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Бухорда 6—472, 33413 нускада босилган, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган.
Қозғоқ бичими А—2
Газета ИВМ компьютеризда тарғиб ва оператор Жамшед ТУРАЕВ томонидан сарфлабди.
Тахриратда ҳажми 5 ҳожада энд материаллар қабул қилинмайдил.
П—Тижорат материалли

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Наватчи котиб — Ю. Қамидов.
Наватчи муҳаррир — В. Этамқулов.
Наватчи — Х. Қиримов.
Мусаххач — М. Ёқубова.

«Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топириш вақти — 21.00. Тошириш — 21.30 1 2 3 4 5 6